Юқори ташкilotлар томонидан бошланғичларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш етарли даражада эмас. Тақдим этилаётган услубий қўлланмалар ҳам талабга жавоб бермайди.

Касаба уюшмалари етакчилари ўқуви ҳам мунтазам ташкил қилин-

маган. Натижада ҳужжатлар билан ишлашда жиддий камчиликлар юзага келмоқда.

Маърузачи яна бир қатор нуқсонларни тилга олиб, уларни ҳал этиш бўйича мулоҳазаларини билдирди.

Музокараларда Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкilotлари бирлашмаси раиси Э.Ражабов, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Н.Ақбаров, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Наманган вилоятидаги вакили Ҳ.Абдурахимов, Қўқон темирйўл узели бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Б.Мадаминов ва бошқалар иштирок этиб, ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.


ЎЗКУФК раиси Д.Жаҳонгирова Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг IV мажлисига яқун ясар экан, касаба уюшма ва ижтимоий суғурта бюджети маблағларидан тўғри фойдаланиш устидан қаттиқ назорат ўрнатиш, санаторийларда даволаниш учун йўлланмаларни тақсимлашда ижтимоий адолат тамойилларига риоя этиш, касаба уюшмалари таркибини ёшлар билан бойитиш каби масалаларга эътиборни қаратди.

Федерация кенгашининг IV мажлисида касаба уюшмалари фаолиятига доир бошқа масалалар юзасидан ҳам тегишли қарорлар қабул қилинди.

Йиғилиш сўнггида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси тузиш ҳақидаги қарори маъқулланди. Мазкур комиссиянинг низоми ва таркиби тасдиқланди.

Шу билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг IV мажлиси ўз ишини яқунлади.

«GM-УЗБЕКИСТОН» ҚУШМА КОРХОНАСИ МАЪМУРИЯТИ ҲАМДА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ



Барча
юртдошларимизни энг
улуғ, энг азиз байрам
— истиқлолнинг
17 йиллик тўйи билан
муборакбод этади.
Хонадонингизга файзу
барака, тинчлик-
хотиржамлик тилайди.

Акциядорлик тижорат «Пахта Банк»



Акциядорлар ва мижозларни, барча юртдошларни
қутлуғ айём — Мустақиллигимизнинг 17 йиллик
байрами билан самимий муборакбод этади.
Бунёдкор халқимизга сиҳат-саломатлик, серқуёш
юртимизга тинчлик, фаровонлик, деҳқонларимиз
ҳосилига барака, ишларида омад ёр бўлишини тилаймиз.
«Пахта Банк» фаровонлигингиз калитидир!

**Самарқанд вилояти соғлиқни
сақлаш ходимлари касаба
уюшмаси кенгаши**



*Халқимиз ва тармоқ ходимларини
Мустақиллигимизнинг 17 йиллик тантанаси билан
самимий қутлайди.*

*Ватанимизнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти
бундан-да юксалаверсин.*

*Хур диёримизнинг файзига файз қўшилиб, тинчлик
ва осойишталигимиз абадий бўлсин!*



Эллиқалъа тумани археология ва тарих музейи раҳбари Ў. Жумаевнинг асл касби журналист. Узоқ йиллар республика радиосининг Қорақалпоғистондаги мухбири бўлиб ишлаган. Унинг тарихга қизиқиши туман раҳбарларининг истаклари билан уйғун келиб, 1986 йилда мўъжазгина музей ташкил қилинди.

— Музейни экспонатлар билан бойитиш қийин бўлмади, — дейди у. — Тарихга хурмати, келажакка ишончи юксак кишиларимиз беминнат ёрдам кўрсатишди. Айни пайтда бу ерда беш ярим мингдан зиёд экспонат бор. Уларнинг бир ярим мингги антик давр ёдгорликлари ҳисобланади. Қадимшунослар фикрича, ушбу ҳудудда бир замонлар 1200 та қалъа ва қалъачалар бўлган. Уларнинг 26 таси замонлар силсиласидан ошиб, бизгача етиб келган. Эрамиздан олдинги IV-I асрларда Хоразм давлатининг пойтахти ҳам ана шу ҳудудда бўлган. Бу ҳозир ҳам археологлар ва зиёратчилар қадами узилмайдиган Тупроққалъадир.

У бироз ўйга толди ва ушбу сатрларни ўқиди:

Сўрадилар: илк бора қачон одамзод, Шаҳарлар тиклаган тупроқ-заррадан.
Дедилар: Рим, Мадрид, Афинангни кўй, Далилни излаган

Тупроққалъадан!

Ўрозали аканинг айтишича, қалъа 1938 йили рус ўлкашуноси С.П.Толстов томонидан топилган. Илк археологик қазишмалар эса 1942 йилда ўтказилган. Маълум бўлишича, Тупроққалъа 17,5 гектар майдонда жойлашган бўлиб, 8-9 метр баландликдаги девор билан ўралган. Ҳар бири 25 метр келадиган учта минора орқали

Ўтмишни сўрагил Тупроққалъадан

қалъа мудофаа қилинган.

Мутахассислар фикрича, Тупроққалъадаги хоразмшоҳлар қароргоҳи 26 саройдан иборат бўлган. Ушбу саройларнинг ҳар бири алоҳида рангларда жилланган. Саройнинг аксарият хоналари тантаналар учун мўлжалланган. Ҳар бирининг ўз номи бор. «Хукмдор хонаси»да меҳроб жойлашган бўлиб, 23 нафар хукмдорнинг суратларини ёритиб турган олов туну кун ўчмаган. «Ғалабалар хонаси»нинг деворларида эса тахтада ўтирган хукмдор ва унинг боши узра учиб юрган ғалаба фаришасининг сурати акс эттирилган. «Қоратанли жангчилар» зали номига монанд бўлган. «Буғулар зали» арҳарлар ва қанот ёйган бургутнинг парвози билан безатилган. «Рақсга тушаётган ниқоблар» зали деворларида биргаликда рақс тушаётган эркак ва аёл сурати бўлган. Залнинг ўртасида қурбонлик супаси жойлашган. Саройнинг шимоли-ғарбий қисмидаги катта хонани бир неча йўлақлар ўраб турган. Деворлари дарё тўлқинлари ва балиқларнинг сурати билан безатилган. Залларнинг биридан бошига тож кийиб, қўлида бургут тутган подшо ҳайкали топилган. Бундай тасвирга қадимшунослар Анқақалъада ўтказилган қазишмалар жараёнида ҳам дуч келишган. Тангаларга шундай сурат зарб қилинган. Демак, аждодларимиз ниҳоятда нозик таъб кишилар бўлишган. Антик даврда санъат, маданият, архитектура гуллаб яшнаган. Масалан, Тупроққалъада ўтказилган қазишмалар чоғида топилган тангалар Хоразмшоҳлар давла-

ти қудратли бўлганлигидан нишона. Аксарият тангаларнинг муайян тамгаларга эгаллиги айрим хукмдорларнинг мустақил сиёсат юритганидан далолатдир.

Қазишмалар пайтида қалъа ўртасида ибодатхона бўлганлиги ҳам аниқланган. Унинг атрофида зодагонларнинг уйлари жойлашган. Ибодатхонада арҳарнинг тилла суви юритилган шохлари, унинг атрофида эса турли хил буюмлардан иборат эҳсонлар топилган. Бундан кўриниб турибдики, аждодларимиз анчайин фаровон турмуш кечиришган. Ибодатхонани ўраб турган биноларнинг бирида хукмдор истиқомат қилган. Сарой деворлари паҳсадан тикланган ва пирамида кўринишида бўлган. Уша даврларда пирамида услуби дунёнинг кўплаб давлатларида қўлланганини инобатга олсак, Хоразмшоҳлар бошқа давлатлар билан яқин алоҳида бўлган деган фикрга келиши мумкин.

— Буюмларимиз орасида Қирқизқалъа, Гулдурсунқалъа, Аёзқалъа, Кўйқирқилганқалъалардан топилган экспонатлар ҳам бор, — дея давом этади музей раҳбари. — Шу ўринда таъкидлаш жоизки, дунёдаги биринчи расадхона эрамиздан олдинги VIII-VII асрларда Кўйқирқилганқалъада фаолият кўрсатган. Хусусан, ушбу қалъа меъморчилигини ўрганган мутахассислар уни Ўрта Осиёдаги энг қадимги қалъалардан бири сифатида баҳолашди. Унинг ички айланаси 42, ташқи айланаси 87.5, баландлиги эса 8 метрдан иборат бўлган.

Улли БОБОЕВ,
«Ishonch» мухбири

Хуқуқий сабоқлар

Термиз шаҳридан С.Шукурова бизга меҳнат муносабатлари бўйича бир неча ҳолатларни баён қилган, шулар юзасидан мулоҳаза юритамиз.

МУТАХАССИС БЎЛМАСА-ДА, ҲИСОБЧИ БЎЛИБ ИШЛАЯПТИ...

МКнинг 80-моддасига кўра, ишга қабул қилиш вақтида меҳнат шартномаси тузаётган шахс тақдим қиладиган ҳужжатлардан бири — шу соҳа бўйича ишлаши мумкинлигини кўрсатадиган олий ёки ўрта махсус ўқув юртини тамомлаганлиги тўғрисидаги диплом. Диплом тақдим этилмаган бўлса, ишга қабул қилишда белгиланган ҳолида бузилган ҳисобланади. МКнинг 106-моддасига мувофиқ ишга қабул қилиш юзасидан белгиланган қоидалар бузилганлиги муносабати билан, агар йўл қўйилган қоидабузарликни бартараф этиш имкони бўлмаса ва у ишни давом эттиришга тўсқинлик қилса, меҳнат шартномаси тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолат бўйича бекор қилинади.

ХОДИМ КАСАЛЛИГИ ТУФАЙЛИ ИШНИ БАЖАРА ОЛМАЯПТИ...

Ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга асос бўлади. Аммо МКнинг 102-моддаси 1-қисми 2-бандига кўра меҳнат шартномаси ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши муносабати билан бекор қилинганда у камида икки ҳафта олдин огоҳлантирилади. Агар тиббий хулосага кўра мазкур ишни бажариш ходимнинг соғлиғига тўғри келмаса, меҳнат шартномаси ходимнинг соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши муносабати билан бекор қилинганда, ушбу модда 1-қисмининг 2-бандида назарда тутилган огоҳлантириш қилинмайди. Бундай ҳолда ходимга икки ҳафталик иш ҳақи миқдоридан компенсация тўланади.

МЕҲНАТ ҚОНУНЧИЛИГИДА НОГИРОНЛАРГА ИМТИЁЗЛАР

Ишлар ҳажми қисқариши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишда қолдириш учун малакаси ва меҳнат унвондорлиги бир хил бўлганда, бошқа ҳолатлардан ташқари, мазкур корхонада меҳнатда майиб бўлиб қолган ёки касб касаллигини орттирган шахсларга, уруш ногиронлари, уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга афзалликлар бериледи.

МКнинг 220-моддасида ногиронлар меҳнатини муҳофаза қилишнинг қўшимча чоралари белгиланган. Жумладан, ТМЭКнинг ногиронларга тўлиқсиз иш вақти режими ўрнатиш, уларнинг вазифасини камайтириш ва меҳнатнинг бошқа шартлари ҳақидаги тавсияларини бажариш иш берувчи учун мажбурийдир.

1- ва 2-гuruh ногиронларига меҳнатга ҳақ тўлаш камайтирилмаган ҳолда иш вақтининг ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланади.

1- ва 2-гuruh ногиронларига ўттиз календар кундан кам бўлмаган муддат билан йиллик узайтирилган таътил бериледи.

Ногиронларни тунги вақтдаги ишларга, шунингдек, иш вақтидан ташқари ишларга ва дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилишга уларнинг розилиги билангина, башарти улар учун бундай ишлар тиббий тавсияларда таъқиқланмаган бўлса, йўл қўйилади.

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 28-моддасига кўра, ногиронларнинг ижодий ва ишлаб чиқариш қобилиятларини рўёбга чиқариш мақсадида ҳамда тикланишнинг яқка тартибдаги дастурларини ҳисобга олиб, уларга меҳнат шартноми одатдагича бўлган корхона, бирлашма, муассаса ва ташкилотларда, ногиронлар меҳнати қўлланадиган ихтисослаштирилган корхона, цех ва участкаларда ишлаш ҳуқуқи, шунингдек, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти ҳамда қонун билан таъқиқланадиган ўзгача меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи таъминланади.

Ногирон билан меҳнат шартномаси тузишдан ёки хизмат юзасидан уни юқори лавозимга кўтаришдан бош тортишга, маъмурият ташаббуси билан ишдан бўшатишга, ногиронлиги учун уни ўз розилигисиз бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилмайди. Бу тиббий-ижтимоий экспертизанинг хулосасига кўра ногироннинг ёхуд бошқа кишиларнинг саломатлиги ва меҳнат ҳавфсизлигига таҳдид қилган ҳоллар бундан мустасно.

Юқоридаги қонуннинг 30-моддасида эса меҳнатга ҳақ тўлаш, иш вақти, тартиби ва дам олиш вақти, жамоа ёки яқка тартибдаги меҳнат шартномасида белгилаб қўйилмайдиган йиллик ва қўшимча таътиллари мўддати амалдаги норматив ҳужжатларда кўзда тутилганидан кам бўлмаслиги ва бошқа ходимларга нисбатан ногиронларнинг аҳолини ёмонлаштирмамаслиги ёки уларнинг ҳуқуқларини чекламаслиги лозимлиги кўрсатилган.

Довуд МАДИЕВ,
хуқуқшунос

Сиз нима дейсиз?

Ўқитувчи қандай дам олади?

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши томонидан йилнинг ўтган даври мобайнида 285 аъзога санаторийларга йўлланма берилди. Бунинг учун 88 млн. 972 минг сўм сарфланди. Жумладан, 46 нафар ёш ишчига имтиёзли йўлланма ажратилган бўлса, 231 нафар ёш ва олий ўқув юрти талабалари санаторий-профилакторийда дам олдирилди. Иккита ёш оила «Умид гулшани» санаторийсига юборилди.

Албатта, касба уюшма аъзоларининг ҳаммаси санаторийларда дам олиш имконига эга эмас. Бироқ улар ҳам меҳнат таътилин сармазмун ўтказишни истади. Бу кимга боғлиқ? Умуман, ўқитувчи қандай дам олади?

Боғот туманидаги 3-мактабда ўз касбининг устаси бўлган 96 нафар ўқитувчи

ишлайди. Ушбу жамоа туманда аҳиллиги билан довруқ қозонган.

— Устозларимизнинг ҳаммаси спорт ишқибози, — дейди директор Йўлдош Рўзибоев. — Ҳар қандай шароитда ҳам кунига бир-икки соат машғулотлар учун вақт ажратамиз. Айниқса, волейбол жамоамиз вилоятимизда машҳур.

— Ҳамма ўқитувчиларимизнинг уйида қорамоли, паррандаси, томорқаси бор. Аксариятимиз таътил пайти қишлоқ хўжалиги билан банд бўламиз. Жисмоний меҳнат ҳам дам олишнинг бир шакли ас-

лида. Масалан, мен етиштирган сабзавотларимни йиғиб олаётганда бутун чарчоғимни унутаман, — дейди маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Қурбонбой Ражабов.

— Ажойиб китоб мутолаа қилиш мен учун дам олишнинг энг зўр воситаси, — дейди муаллим Хуршида Мирзаева. — Дам олиш кунларимнинг аксарият қисмини кутубхонада ўтказаман.

Вилоятдаги бошқа қишлоқ мактаблари ўқитувчилари ҳам дам олиш вақтида асосан қишлоқ хўжалиги билан банд бўлиб, иқтисодий шароитини

яхшилаш чорасини кўришларини айтишди.

Хўш, шаҳар мактаблари ўқитувчилари-чи?

— Мен таътил пайти қариндошларимдан хабар олишга ҳаракат қиламан, — дейди Урганчдаги 2-академик лицей ўқитувчиси Марҳаб Тиллаева. — Яна мева ва сабзавотларни консервалайман.

Ушбу ўқитувчиларнинг барчаси таътилни намунали ўтказган деб ҳисоблайди. Фақат беш-олти фойз муаллимларгина таътил пайти қадимий шаҳарларга саёҳатга чиқишни, шифокор қабулида бўлиб

саломатликларини назорат қилишини билдиришди.

Мана, таътил тугашига ҳам оз қолди. Ҳадемай ўқитувчилар учун машаққатли ва масъулиятли палла бошланади. Биз мамлакатимиз келажаги ана шу соҳа фидойиларига кўп жиҳатдан боғлиқлигини таъкидлаймиз. Ҳукумат томонидан уларнинг меҳнатига муносиб баҳо берилмоқда. Ўқитувчиларнинг 30-40 фоизи устам ҳақ олиб ишлайди. Аммо ўқитувчи намунали дам олаётган деб бўладими? Тўғри, уларнинг таътил кунлари бошқа соҳа вакиллариникидан анча кўп. Бироқ бунинг ўзи мароқли ҳордиқ чиқариш учун етарлими? Балки ёзда ўқитувчилар учун алоҳида тадбирларни режалаштириш лозим бўлар?

Муҳаббат ТўРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

Табиат сирлари



Туллар сеҳри

Азал-азалдан гуллар чиройи ва ҳуш бўйи билангина эмас, балки фақат руҳиятимиз орқали илғаш мумкин бўлган сеҳру синоати билан ҳам бизни мафтун этади. Дунёда минг бир турдаги гул бўлса, уларнинг шунча хислати бор. Баъзи гуллар кун давомида бир неча марта рангини, ҳатто ҳидини ўзгартиради. Айримлари эса бизнинг дарду ҳасратимизни «ютади». Бундай гулларга яқинлашсак, ўзимизни энгил ҳис этамиз. Айримларига қайсидир хислатимиз «хуш келмайди», шунинг учун қанча парваришламайлик, яйраб-яшнаб кетолмайди.

Атиргул юнонлар учун муҳаббат тимсоли бўлиб, илгари келинчакларнинг сочларини оқ гулнинг чамбараги билан безатганлар.

Чиннигул азалдан жасурлик рамзи. Французларнинг ақидасига кўра бу гул «ой бориб, омон қайт» деган маънони англатади.

Сиз гулларнинг даволаш хусусияти ҳам борлигини биласизми? Айтайлик, бошингиз оғриб турибди. Бундай вақтда атиргулни ҳидласангиз дарров оғриқдан халос бўласиз! Духобагул японроқлари эса бадандаги яра-чақани тuzатади. Бунинг учун унинг баргларида бир нечтасини

эзиб, яра ёки ҳуснбузар устига сурасиз. Халқ табобатида ёронгул мойи билан буйрак яллиғланиши ва бодни даволаганлар. Бундай мойни тайёрлаш учун ярим стакан ёронгул барглари устига озроқ ўсимлик мойи қўйиб музлаткичда сақланг. Баъзи-баъзида аралаштириб туринг. Икки ҳафтадан сўнг доқадан сузиб, ишлатасиз. Юқори нафас йўллари шамоллаганда атиргул баргларини қайноқ сувда дамлаб ичсангиз кифоя. Гултожихўроз дамламаси эса томоқ оғригини қолдириб, йўтални тўхтади. Кактус компютер ёнига қўйилса, нурландида сақлайди. Ибн Синонинг таъбирича, бинафша ичак яраларига малҳам бўлади.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА

Соғлиғингиз — ўз қўлингизда

Тамаки чекишнинг зарари ҳақида кўп гапириш мумкин. Қадимда Миср ҳукмдорлари тамаки билан савдо қилувчиларни қатл эттирган, Эрон шоҳи Аббос эса тамакифурушлар ҳамда чекувчиларни гулҳанда кўйдиришга фармон берган. 18-аср ўрталарида Россияда кашандаларни дарра билан уриб, бурунларини кесиб Сибирга сургун қилишган. Аммо турли давлатларда турлича жазо чоралари қўлланган бўлишига қарамай инсониятнинг бир қисми ҳамон ҳаётини тамакисиз тасаввур қилолмайди. Ҳозир тамаки хомашёси жаҳоннинг 127 та давлатида етиштирилиб, хорижга экспорт қилинади.



ли нафас қисий касаллиги билан оғриган бемор:

— Чекишнинг ташлаганимга уч

йилча бўлди, энди ўзимни яхши ҳис қилаяпман. Илгари ҳар куни бир қути сигарет

300 марта ташланган «ташландиқ»

Бир куни бекатда қуйидаги суҳбат эътиборимни тортди. Ёши каттароқ амаки «Чекма!» деди ўсмирга.

— Катталар чекса майлими? — деди бола унга жавобан.

Назаримда, савол ўринли эди. Негаки, чекувчи киши ўз соғлиғига путур етказиш баробарида қайсидир маънода ёшларга ўрнак ҳам бўлади.

Тиббиётга оид манбаларда ёш организмда кўпгина органлар ҳали ўсиш жараёнида бўлиши, айнан шунинг учун тамакининг вужудга кўрсатадиган таъсири ниҳоятда хавфлиги кўрсатилади.

Агар 25 яшар одам умри давомида чекмаса ўрта ҳисобда яна 48,6 йил ҳаёт кечириши, мабодо кунига биттадан тўққизтагача сигарет чекса, 44, яъни чекмайдиганларга нисбатан 4,6 йил кам яшаши фанда исботланган. 15 ёшга

тўлмасдан чека бошлаганлар 25 ёшдан кейин чекишга одатланганларга қараганда ўпка ракидан 5 марта кўп азият чекади.

Ботир Ҳазратқулов, Тошкент тиббиёт академияси 1-клиникаси пульмонология бўлими мудири:

— Чекиш 30 турдаги касалликни келтириб чиқаради. Ўсмирлик даврида чекишга одатланиб, 20 йилча давом эттирганлар 25 йил аввал ҳаёт билан видолашади. Ҳозир ер юзида ҳар 6,5 секундда тамаки дастидан бир кишининг ўлими қайд этилмоқда. Бундан ташқари, чекиш айниқса ҳомиладор аёллар ва уларнинг зурриёди учун жуда хавфли. 1953 йили чекиш рақ касаллигини келтириб чиқариши эълон қилинган бўлса-да, кашандалар бундан тегишли хулоса чиқариб олди деб айтолмаймиз.

Шавкат Раҳимов, сурунка-

камлик қиларди. Асорати ёшлиқда унча билинмас экан. 40 ёшдан ўтгач, зинадан юқорига чиққанамда, узоқ яёв юганимда ҳансираб қоладиган бўлдим, иштаҳам йўқолди. Мана энди кўриб турганингиздек, йилда икки бор шу ерда 600 минг сўмдан кўпроқ харажат қилиб даволанаман...

Тадқиқотларга қараганда, энг кўп чекувчилар яшайдиган давлатлар Россия, Хитой, Греция, Дания, Италия, Австралия деб эътироф этилган.

Рус ёзувчиси Лев Толстой 60 га кирганида, немис шоири Гёте 50 ёшида чекишни ташлаган. Ёзувчи Марк Твен эса киноа билан: «Чекишни ташласа бўлади, бундан осони йўқ, мен 300 марта ташлаб кўрганман», — деган. Нима бўлганда ҳам бу иллатдан қутулиш кишининг ўзига боғлиқ.

Ғайрат ШИРИНОВ

Мулоҳаза

«Тубдан ақл бермаса...»

Инсон гапирётган ҳар бир сўзи, қўётган ҳар бир қадами ҳақида ўйлаши, тутатган амалининг оқибатини билиши керак. Унинг бошқа жонзотлардан фарқи ҳам шунда. Бироқ бу қоидага ҳар доим ҳам амал қилмаймиз. Айниқса йигитлар...

Тенгдошларим билан кўча-қўйда кета туриб ёки умуман уч-тўрт йигит тўпланган жойларда антиқа суҳбатларнинг гувоҳи бўламиз. Бундан ташқари, уларнинг қизларга муносабати аччиғингизни келтиради.

Яқинда ўттиз ёшлардаги устозимиз билан кўчада гаплашиб тургандик. Шу пайт бекат тарафдан келаётган қизга қарата домланинг «Вой-ву...» деган хитоби янгра-

қизнинг биз қатори — домланинг шогирдларидан эканлигини билгач, хижолатпазлик янада ортди. Уқитувчининг бу «ўрнак»га жавобан недир дегим келди-ю, онам кўп бор айтган мақол ёдимга тушиб фикримдан қайтдим: «Тубдан ақл бермаса, туртган ақлинг не бўлур».

Шу воқеадан хулоса чиқарган ҳолда тенгдошларимга қарата бир сўз дегим келди: аёл — нозик хилкат. Уни ёмон кўздан, ёмон сўздан асраш эркакнинг зиммасидаги юқдир. Энг муҳими, у она, у рафиқа, у опа, у сингил. Бу ҳақиқатни унутганлар «домла» каби шармандаликка юз тутаяди.

Хусниддин СИРЛИБОЕВ



Мулоқотга киришувчанмисиз?

Қуйида келтирилган 16 та саволга «ха», «йўқ», «баъзан» жавобидан бирини танланг.

1. Олдингизда кундалик ҳаётда бўладиган муҳим иш юзасидан учрашув турибди, бу учрашувни қутиш Сизни ўз ҳаёт меъёрингиздан чиқариб юборадими?
2. Сиз врач қақирининг энг охири фурсатгача ташлаб қўясизми?
3. Бирор бир мажлисда ёки шунга ўхшаш тадбирларда маъруза билан қатнашиш топширилса, бу сизда норозиликни туғдирадими?
4. Сиз ҳеч қачон бўлмаган шахарга хизмат сафарига боришни таклиф қилишса, шу сафардан воз кечиш учун бор кучингизни ишга соласизми?
5. Ҳар қандай киши билан ўз ички кечинмаларингизни баҳам кўришни ёқтирасизми?
6. Агарда кўчада нотаниш бир киши Сиздан йўлни кўрсатиб юборишни, вақтни айтишни ёки бошқа савол билан муносабат қилса асабингиз бузиладими?
7. Турли авлод кишилари бирини бири тушуниши қийинлиги ва «оталар ва болалар» муаммоси борлигига ишонасизми?
8. Бир неча вақт олдин Сиздан қарз олган танишингизга у қарани беришни ёдидан чиқарганини айтишдан уяласизми?
9. Ресторан ёки ошхонада айнан Сизга сифатсиз таом келтирилса, аччиқланган ҳолда жим ўтира оласизми?
10. Нотаниш киши билан яқмама яқма бирга бўлиб келиб, суҳбатга киришиб кета олмайсиз, агар у биринчи бўлиб сўз қотса, бемалол гапга қўшилиб кета оласиз, шундайми?
11. Қаерда бўлмасин, хоҳ магазин, хоҳ кутубхонада узун наватда туриш Сизни ваҳимага солади, бундай пайтда бошқа ишларингиздан воз кечиб, наватда туриб узоқ вақт қутишни маъқул кўрасизми?
12. Сиз жанжалли, мунозарали вазиятни ҳал қилаётган комиссия ишида қатнашишдан кўрқасизми?
13. Сизнинг адабиёт, маданият, санъат асарларига нисбатан ўз фикрингиз бор дейлик. Буларга нисбатан айтилган бошқа фикрларни тан олмайсиз, шундайми?
14. Қаердадир суҳбатда Сизга жуда таниш бўлган муаммо тўғрисида нотўғри фикрни айтилаётганини эшита туриб ҳам баҳсга қўшилимай жим тура оласизми?
15. Бирор кимсанинг ўқишга ёки ишга тааллуқли масалани ҳал қилиши учун сўраган илтимоси Сизда норозиликни уйғотадими?
16. Сиз учун ўз фикрингизни оғзаки баён қилишга нисбатан ёзма баён қилиш қулайми?

ТЕСТ КАЛИТИ:

«Ха» 2 балл, «йўқ» 0 балл, «баъзан» 1 балл.

0 : 3 баллар — Сизнинг мулоқот хусусиятингиз худди касалликка ўхшайди. Тинмасдан гаплашасиз. Сизга тегишли бўлмаган ишларга ҳам аралашасиз, шу сабабли турли келишмовчиликларни келтириб чиқарасиз.

4 : 8 баллар — Сиз мулоқотга жуда кўп эҳтиёж сезасиз. Мулоқотсиз тура олмайсиз. Гаплашмасдан ўтира олмайсиз. Барча ишлар, нарсалар тўғрисида янгилик, хабар топиб юрасиз. Ҳар қандай баҳсларда қатнашни ёқтирасиз, аммо мураккаб саволлар Сизда қийинчиликни туғдиради. Ҳар қандай савол бўйича сўз оласиз. Лекин бу саволга юзаки тушуночга эга бўлишингиз мумкин. Ҳар қандай ишни бажаришга киришасиз, лекин ҳамма вақт ҳам охирига етказмай ташлаб қўясиз. Шу сабабли танишларингиз ва раҳбарларингиз сизга шубҳа билан қарайдилар.


9 : 13 баллар — Сиз мулоқотга жуда ҳам тез кириша оласиз, баъзида меъёридан ошиб кетасиз. Сиз қизиқувчан, кўп гапирадиган кишисиз, турли саволлар ва масалалар бўйича фикр билдиришни ёқтирасиз, танишларингиз диққат марказида бўлишни хуш кўрасиз. Агар Сизга бирор нарса етишмаса, бу бир жойда ўтириб ишлаб олмаслигингиздан, сабрингиз камлигидандир. Сизга мураккаб жиддий муаммолар билан тўқнашганда жасорат етишмайди. Агар Сизда хоҳиш бўлса, бу камчиликларни бартараф қилишингиз мумкин.

14 : 18 баллар — Сизнинг мулоқотга кириша олиш қобилиятингиз ўртача даражада. Сиз қизиқувчансиз, кишиларни бажонидил тинглайсиз, бошқалар билан мулоқотда сабрлисиз, ўз фикрингизни жаҳлингизни чиқармай ифода эта оласиз. Янги кишилар билан тил топишишга ҳеч қандай ҳаяжонсиз бора оласиз. Шовқинли давраларни ёқтирмайсиз, олифталик ва кўп сўзлилик жаҳлингизни чиқаради.

19 : 24 баллар — Сиз маълум тарзда меъёрида мулоқотга кириша оласиз. Нотаниш вазиятларда ўзингизни деярли ишончли ҳис қиласиз, ўзингизга ишонасиз. Янги муаммолар сизни кўрқитмайди, барибир бошқа кишилар билан ўйлаб танишасиз, суҳбатлашасиз, баҳс ва мунозараларда берилиб иштирок этмайсиз, сизнинг фикрларингизда афсус чекиш кўп, лекин бунга ҳеч қандай асос йўқ. Бунга тузатиш мумкин.

25 : 29 баллар — Сиз «ёпиқ» кишисиз, камгапсиз, ёлғизликни ёқтирасиз. Шунинг учун ҳам дўстларингиз кам. Янги иш ва янги танишувларнинг зарурлиги Сизни мувоzanатдан чиқариб юборади, саросимага солади, Сиз ўз характер хусусиятларингизни биласиз ва ўзингиздан қониқмайсиз, норозисиз, бу салбий хусусиятларни ўзгартириш ўз қўлингизда.

30 : 32 баллар — Сизнинг мулоқотга киришишингиз қийин, бу сизнинг нуқсонингиздир, бундан фақат ўзингиз қийналасиз, жабр тортасиз, лекин яқинларингизга ҳам қийин, кўпчиликнинг кучи талаб этиладиган ишларда сизга ишониш қийин. Мулоқотга кўпроқ киришишга ҳаракат қилинг, ўзингизни назорат қилинг.



«ШОШИЛИНГ!
ОВОЗЛИ ФИЛМ!»

Илк овозли филм 1927 йилда суратга олинган бўлиб, «Жаз кўшиқчиси» деб ном олганди. Унинг рекламасида куйидаги сўзлар ўрин олганди: «Шошилинг! Сиз ҳали бундай тенгсиз асарни эшитмагансиз!» Бу сўзлар овозсиз кино эрасининг тугаганлигига ҳам ишора эди. Филм продюсерлари асли россиялик беш ака-ука Уорнерлар бўлишган.


БИР
ТОМЧИ
СУВ
СИРЛАРИ

Дунё бўйлаб ҳар дақиқада 900 млн. тонна сув айланади. Ёмғир томчисининг диаметри 0,5 - 7 мм.ни ташкил этади. Йилига ер юзи ўртача 1061 мм. га чўқади. Бу ҳодиса турли ёғингарчиликлар натижасидир. Агар атмосферадаги ҳамма сув Ерга қуйиладиган бўлса, сайёрамиз 25 мм. қалинликдаги сув қатлами билан қопланади.

ҚАЛАМ ҚАЧОН
ПАЙДО БЎЛГАН?

Қалам нафақат ёзув қуроли, тарихни саҳифаларга муҳрлаган восита ҳамдир. Сўз аталмиш мўъжизани оппоқ қоғозга битувчи, мангуликка даҳлдор этувчи ушбу қурол қачон пайдо бўлган, унинг вазифадоши бўлган бошқа воситалар-чи? Бу ҳақда билишни истайсизми?

Мисрликлар 7000 йил илгари тошни ўйиб расм чизган эдилар. Сиёҳ эса 3300 йил илгари ихтиро қилинган. Қамиш ичига уни қуйиб, ручка сифатида фойдаланишган. Графит стерженли биринчи қалам 1790 йилда Франция ва Англияда тайёрланган. Металл пероли сиёҳ ручка эса Льюис Уотерман ижоди бўлиб, унинг бундай фойдали гоёси 1884 йили Америка Қўшма Штатларида амалга оширилган. Шарикли ручка тарихи эса Ласло Бирноми билан боғлиқ. Унинг ихтироси 1940 йилдан бошлаб оммалаша бошлади. Илк фломастер эса 1964 йилда Японияда «туғилган».



ИЗОХИ СИЗДАН...



Қорин тўйса уйку ҳам,
Дарров кела қоларкан.
Хушёр бўлмасанг, сичқон
Бошга чиқиб оларкан.
Ҳозирча у бошимда
Ўйнаб, қувнаб қулади.
Чарчаган қўлларимда,
Осонгина тушади.

Қутулмоқчи эдим мен,
Уйку доридан бериб...
Ўзи менга дўст бўлди,
«Том ва Жерри»ни кўриб.


Нурзод РАЖАБОВ,
Ҳамза тумани



Сичқон жўра «ит» бўлдинг,
Бошга тушган бит бўлдинг.
Мизгигани қўймайсан,
Бунчалар ҳам хит бўлдинг.

Мошвой кўзингни юмма,
Кўпнинг сенда арзи бор.
Ҳатто «бароқ» отаннинг
Билсанг мендан қарзи бор.

Рустам САТТОРОВ,
Наманган шаҳри



Рўқнимизнинг август ойи голиби деб муҳлисими
Асадулла Мирзаакбаров топилди.
Энди навбатдаги суратга изох топинг-чи?



(1-7 сентябр)

КУНИ
Чоршанба ва пайшанба сиз учун энг самарали кун бўлади. Чоршанбада сиз қатнашган ишлар муваффақиятли кечади. Ўзингиздаги ижодий жўшқинликни сусайтирманг. Ҳасорат ва қатъиятнингизни атрофдагилар муносиб баҳолайдилар. Пайшанба кунини жароҳатланишдан сақланг. Газабга берилманг.

БҲУК
Душанба кунини эрталабдан кайфиятингиз яхши бўлади. Кейинги кунларга ҳиссиётларингиз ижобий бўлади. Сешанбада алоҳида натижа кутманг. Чоршанба кунини кечки пайт қилган ҳаридингиз унча яхши бўлмайди. Ҳафта соҳирда катта пул топиш имконияти туғилади.

ЭПИЗАКЛАР
Бу ҳафта сиз учун бир маромда ўтади. Чоршанба кунини дўстлар билан базмларда иштирок этиб хурсандчилик қилинг. Пайшанба кунини эрталаб очик, самимий сўхбатларнинг айни фурсати. Дам олиш кунларини ишдаги масалаларни ижобий ҳал қилиш имконияти вужудга келади.

КИСКИЧБАКА
Душанба кунини ташаббусни қўлга олинг. Кўп ишларни қилишга улғурасиз. Асосий ишларни бошқа вақтга қолдирманг. Сешанбада иложи борича уйда бўлинг. Жума кунини касб маҳоратингизни намойиш қилиш учун энг қулай пайт. Пайшанбада харажатлар қиласиз.

АРСЛОН
Ўзингизни гўёки саҳна ортида ҳис қиласиз. «Саҳна»га чиқишга пухта тайёргарлик кўринг. Чоршанба ва пайшанба кунларини тўлиқ сизнинг ихтиёрингизда. Маданий тадбирларда асосий қаҳрамонга айланасиз. Пайшанбанинг иккинчи ярмида жуфтингизга нисбатан сабрли бўлинг.

ПАРИЗОД
Бу ҳафтада режалаштирган ишларингиз амалга ошади. Жума, шанба кунларини тузган шартномаларингиз қўтилган моддий даромад келтириши мумкин. Шанба кунини жуда кўп куч сарфламанг. Ўзингизни зўриқтирманг. Яқшанба кунини ҳамкорларни эътибордан четда қолдирманг.

ТАРОЗИ
Ҳафтанинг биринчи ярми сокин ўтади. Аммо ўша кунларини молиявий масалаларни ҳал қилиш учун қулай вазиятлар юзага келади. Чоршанба кунини қулгу, шодлик билан ўтказинг. Пайшанбанинг иккинчи ярмидаги ижодий фаолликдан фойдаланиб қилинг.

ЧАЕН
Душанбанинг иккинчи ярмида уйга керакли буюм олинг. Ҳафтанинг қолган кунларини ижодий иш билан шуғулланиш учун кайфият яхши бўлади. Пайшанба, жума кунларини муҳаббат мижозларидан бошингиз чиқмайди. Оташнинг муҳаббат бутун вужудингизни қамраб олади. Яқшанба кунини яқинларингизни кўп қийнаманг.

УКОТАР
Ҳафтанинг дастлабки биринчи ва иккинчи кунларини режаларингиз унчалик амалга ошмаслиги мумкин. Чоршанба кунини болаларингизга бағишланг. Пайшанба кунини ўзингиз ва яқинларингизнинг соғлиғига эътибор билан қаранг. Пайшанба ва шанба кунларини қўтимаганда бировни севиб қолишингиз мумкин.

ТОҒ ЭҶКИСИ
Дастлабки бир-икки кун одатдагидек кечади. Чоршанбада болаларингиз ўз муваффақияти билан сизни хурсанд қиладилар. Пайшанба кунини эрталаб бор маҳоратингизни намойиш қилиш имконияти туғилади. Шанба кунини шошилинг равишда ишдаги масалаларни ҳал қилишга тўри келади.

КОВБА
Чоршанба ва пайшанба фаол кунлар ҳисобланади. Янги ҳамкорлар билан алоқа ўрнатишга имкон туғилади. Оқилона қелишувларга эришишга ҳаракат қилинг. Вазиятни жиддийлаштирманг. Жума, шанба кунларини рўзгор учун яхши буюмлар сотиб оласиз. Яқшанба кунини донолик ва босиқлик билан иш қилинг.

БАЛИК
Душанба кунини ёқимли ҳиссиётлар қамраб олади. Ҳамма ишларни энгил ва осон амалга оширасиз. Сешанба кунини уй ташвишлари сизни толиқтиради. Пайшанба кунини танингизга қулоқ солинг. Уша кунини спиртли ичимлик истеъмол қилманг. Пайшанба ва шанба кунларини муҳаббат оғушида бўласиз.

Ishonch МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюмлари Федерацияси	Бош муҳаррир Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ	Бизга кўнғироқ қилинг: Котибият: 256-52-78 Хатлар бўлими: 256-85-43	Бизнинг манзил: 100165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр курсатқичи: 133; 134	Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунларини чиқади.	Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев Навбатчи - Д.Раҳмонова Мусаҳҳиҳ - Ш.Абдусаматов
	Таҳрир хайъати: Алла Долженкова, Анвар Юнусов, Довуд Мадиев (Бош муҳаррир ўринбосари), Жаҳонгир Шарофбоев (масъул котиб), Маъмура Адилова, Мирзоҳид Содиков, Нормамат Аллаёров, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев	Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўyxатта олинган. IBM компьютерда терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 4 боёма табоқ.	«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.	Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига мўлқ материаллар Ҷ белгиси остида чоп этилади.	Буюртма Ғ- 714 Тиражи: 11364 Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 21.50 Сотушда эркин нархда

E-mail: ishonch-doverie@mail.ru

1 2 3 4 5 7 8